

Макка ва Мадинада нозил бўлган суралар ҳақида 19-боб



17:00 / 13.12.2020 5416

Фақиҳ Абу Лайс раҳимахуллоҳ айтадилар:

Абдураззоқ Маъмурдан, у Қатодадан ривоят қилади: «Мадинада Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Анфол, Тавба, Раъд, Наҳл, Ҳаж, Нур, Аҳзоб, «Валлазийна кафару», Фатҳ, Ҳужурот, Ҳадид, Мужодала, Ҳашр, Қитол, Мумтаҳана, Саф, Жумъа, Мунофиқун, Тағобин, Талоқ, Таҳрим, «Ва лам якуниллазийна кафару», «Иза жаъа насруллоҳ», «Қул ҳуваллоҳу аҳад» ва икки муаввиза (яъни, Нос ва Фалақ) суралари нозил бўлган. Бошқалари Маккада инган». Баъзилар Анъом сурасининг олти ояти, Наҳл сурасининг баъзи оятлари, «Бани Исроил»нинг бир қисми, Қасос, Инсон сураларининг баъзи оятлари, Шуаро сурасининг охири ва «Вал адият» сураси Мадинада нозил бўлган, дейишади. Мужоҳид: «Фотиҳатул китоб»ни Мадинада нозил бўлган деганлар. Ибн Аббос Маккада тушган деб айтганлар.

«Бўстонул Орифиин» китобидан